

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТАРКИБИДАГИ АМУ-БУХОРО
МАШИНА КАНАЛИДАН
Фойдаланиш
БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ
ҚИЗИЛТЕПА ТУМАН
БОШҚАРМАСИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SUV XO'JALIGI VAZIRLI
TARKIBIDAGI AMU-BUXORO
MASHINA KANALIDAN
FOYDALANISH
BOSHQARMASIGA QARASHLI
QIZILTEPA TUMAN
BOSHQARMASI

Кизилтепа шаҳри, 210400 Ўзбекистон шох кўчаси-37
Телефон (Факс) 8 436 555 28 37 ХХТУТ: 22100
Х/Р: 100010860122167042402170001, Марказий банк Тошкент ш.
ХКМ ш.б.б. Код: 00014 ИНН: 200017218

210400 №37 street Uzbekistan Kiziltepa city Navoiy region
Tel(faks): 8 436 555 28 37 Code career: 22100
The bill: 100010860122167042402170001, Central bank Tashkent city
МФО: 00014 NR: 200017218

«01» январ 2022 йил.

Кизилтепа ш.

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Аму-Бухоро Машина каналидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Қизилтепа туман бошқармаси бошлиғи С.Қодиров, ҳамда Когон туман ҳудудий электр тармоқлари АЖ раҳбари М.О.Жураев ўртасидаги электр энергиясини етказиб бериш тўғрисида №640282-03/22 сонли 01 январда тузилган шартнома юзасидан ўтказилган ҳуқуқий таҳлилга кўра қуйидагилар аниқланди:

Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилган.

Шартномада тарафларнинг мажбуриятлари, қўшимча шартлар ва унинг ҳуқуқий кучга кириш вақти ҳамда амал қилиш муддати аниқ қилиб белгиланган.

Шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда тарафларнинг жавобгарлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида кўрсатилган.

Шартнома муддати: 01.01.2022-йилдан 31.12.2012-йилгача қилиб белгиланган.

Шартнома 19 415 790 000 (Ўн тўққиз миллиард тўрт ўн беш миллион етти юз тўқсон минг) сўм миқдорида тузилган.

Тузилган шартнома юзасидан вужудга келиши мумкин бўлган низони ечиш тартиби томонларнинг келишувига асосланиши, музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Томонларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, манзили, тартиб рақамлари тўғри ҳамда қонуний эканлиги текширилди.

Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва ҳуқуқ нормаларига, шунингдек фуқаролик кодексининг 468-478 моддалари ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 10-15 моддалари талабларига мос келади.

Кизилтепа АБМК
бошқармаси ҳуқуқшуноси:

